Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

# *5111004 – Профессионал таълим: дизайн (либос ва газламалар)* бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент

УзР ОУМТВ
буйрук № 418
УзР ОУМТВ

## СЎЗ БОШИ

### 1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти

- Ўзбекистон Бадиий Академияси

### 2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020йил «14» 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020йил «14» 08 даги 418 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

### 3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талаби 150 000-Санъат таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

# МУНДАРИЖА


| Т/р | | бет |
|---|---|---|
| 1. | *5111004 – Профессионал таълим: дизайн (либос ва газламалар)* бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи........................................ | 4 |
| 1.1. | Қўлланиш соҳаси........................................ | 4 |
| 1.1.1. | *5111004 – Профессионал таълим: дизайн (либос ва газламалар)* таълим йўналиши малака талабининг қўлланилиши........................................ | 4 |
| 1.1.2. | Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари........................................ | 4 |
| 1.2. | *5111004 – Профессионал таълим: дизайн (либос ва газламалар)*таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи........................................ | 4 |
| 1.2.1. | *5111004 – Профессионал таълим: дизайн (либос ва газламалар)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари........................................ | 4 |
| 1.2.2. | *5111004 – Профессионал таълим: дизайн (либос ва газламалар)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари........................................ | 5 |
| 1.2.3. | *5111004 – Профессионал таълим: дизайн (либос ва газламалар)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари........................................ | 5 |
| 1.2.4. | *5111004 – Профессионал таълим: дизайн (либос ва газламалар)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари........................................ | 5 |
| 2. | *5111004 – Профессионал таълим: дизайн (либос ва газламалар)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар ........................................ | 7 |
| 2.1. | Умумий компетенциялар........................................ | 7 |
| 2.2. | Касбий компетенциялар........................................ | 7 |
| 2.3. | Касбий квалификациялар........................................ | 8 |
| 3. | *5111004 – Профессионал таълим: дизайн (либос ва газламалар)* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар .......... | 8 |
| 3.1. | *5111004 – Профессионал таълим: дизайн (либос ва газламалар)*бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар........................................ | 8 |
| 3.2. | *5111004 – Профессионал таълим: дизайн (либос ва газламалар)*бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама хажми........................................ | 12 |
| | Библиографик маълумотлар........................................ | 12 |

# 1. *5111004 – Профессионал таълим: дизайн (либос ва газламалар)* бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи

***5111004 –Профессионал таълим: дизайн (либос ва газламалар)*** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

**1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1.** Олий таълимнинг ушбу малака талаби Кредит-модулли тизим асосида ишлаб чиқилган бўлиб, ***5111004 – Профессионал таълим: дизайн (либос ва газламалар)*** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2.** Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

**1.1.3.** Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

**1.2. *5111004 – Профессионал таълим: дизайн (либос ва газламалар)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи**

**1.2.1. *5111004 – Профессионал таълим: дизайн (либос ва газламалар)*таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

***5111004 – Профессионал таълим: дизайн (либос ва газламалар)***фан, техника ва таълим соҳасидаги йўналиш бўлиб, ўқув фанлари, воситалари, услублари ва педагогик фаолиятнинг усулларини ҳамда илмий ва эстетик категориялар асосида декоратив-амалий безаш, конструкциялаш, моделлаштириш, материаллар сирти ва газламаларга бадиий ишлов бериш, аксессуарларни яратиш, визуал коммуникация воситаларидан фойдаланиб либос ва уни ташкил этувчиларни шакллантиришга йўналтирилган лойиҳалашни ўз ичига олади.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва*

*ўзгаришлар муайян таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши назарда тутилади.*

**1.2.2. *5111004 – Профессионал таълим: дизайн (либос ва газламалар)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

мос ихтисослаштирилган мактаблар ва касб-ҳунар коллежларидаги таълим-тарбия жараёни, либос ва газламалар дизайнига оид касбий психология, касбий педагогика, таълим технологиялари,тарбиявий ишлар методикаси, касб таълими методикаси, либос, газлама, трикотаж, бош кийим, аксессуар ва фурнитураларининг дизайн-лойиҳаси; эркаклар, аёллар ва болалар кийими барча ассортиментига таалуқли либосларнинг янги кўринишлари; либос термасининг дизайн-лойиҳалари.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши назарда тутилади.*

***5111004 – Профессионал таълим: дизайн (либос ва газламалар)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларининг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:**

*–касбий таълимни дидактик таҳлил қилиш;*

*–касбий таълим бериш ва педагогик ташхис қилиш;*

*–дидактик воситалар ёрдамида таълим бериш;*

*–таълимнинг электрон воситаларини қўллаш;*

*–тарбиявий ишлар методикасини қўллаш;*

*–либос дизайнини ва бадиий лойиҳалаш усулларини ўрганиш;*

*–либос дизайнини яратиш ва бадиий лойиҳалаш соҳасида замонавий техник воситаларни қўллаш;*

*–лойиҳалаш жараёнини таҳлил қилиш ва ишлаб чиқариш билан боғлаш;*

*–реал объектнинг лойиҳасини яратиш;*

*–инсон томонидан либос дизайнини яратишнинг эстетик ва психологик жиҳатларини ўрганиш ва қайта ишлаш;*

*–либос, аксессуарлар шаклларини яратиш;*

*–замонавий компьютер дастурлари асосида лойиҳавий-рекламанинг анимацион видео роликларини яратиш ва қайта ишлаш.*

**1.2.3. *5111004 – Профессионал таълим: дизайн (либос ва газламалар)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- *педагогик (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида);*
- *лойиҳавий;*
- *ишлаб чиқариш;*
- *ташкилий-бошқарув;*
- *илмий-тадқиқот;*
- *фойдаланиш ва сервис хизматини кўрсатиш.*

Йўналиш бўйича фан,санъат, дизайн, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

Бакалавр тайёрланадиган касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

**1.2.4.Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари**

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

**1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

***5111004 – Профессионал таълим: дизайн (либос ва газламалар)*** таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин ***5А111001 – Касб таълими (мутахассисликлар бўйича)*** магистратура мутахассислиги бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

## 2. *5111004 – Профессионал таълим: дизайн (либос ва газламалар)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

**2.1 Умумий компетенциялар:**

давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий-илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларни касбий фаолиятда қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

**2.2.Касбий компетенциялар:**

**Педагогик фаолиятда:**

–касбий таълим методикасидан фойдаланиш;

–узлуксиз таълим тизимининг ДТС, Давлат талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Лойиҳавий фаолиятда:**

–бадиий лойиҳалаш соҳасидаги анъанавий ва янгича усул ва методлардан самарали фойдаланиш ва уларни қўллаш, дизайн-лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнида тадқиқот методлари ва стратегиясини танлаш, янги ғоялар ишлаб чиқиш усулларинин танлаш, маълум муаммони ўрганиш методларини танлаш ва уларни асослаш;

–бадиий лойиҳанинг мақсади, ундаги масалалар ечимининг дастурларини тузиш, эришилган натижаларнинг мезонлари ва ижобий кўрсаткичларини шакллантириш ва булар орасидаги боғлиқликни, фаолиятнинг этик ва эстетик жиҳатларидан келиб чиқиб муаммонинг устувор ечимларини аниқлаш;

–муаммонинг услубий ечимининг умумий вариантларини ишлаб чиқиш, натижаларни таҳлил қилиш ва taxмин қилиш, кўп мезонлилик ва ноаниқлик шароитида энг қулай ва оптимал ечимни аниқлаш, ижодий лойиҳани амалга оширишни

режалаштириш;

–конструкторлик-технологик, эстетик, стилистик, иктисодий ва шу каби кўрсаткичлар ва ўзига хос жихатлардан келиб чиқиб бадиий-ижодий лойиҳаларни ишлаб чиқиш;

–янги буюмлар, предметлар, ҳамда уларнинг янги вазифалари, кўринишларини ишлаб чиқишда ахборот технологияларидан фойдаланиш;

–либос ва газламалар дизайни соҳасида функционал, техник-иктисодий жихатдан мақсадга мувофиқ ҳамда бадиий-эстетик томондан кўркам шакллар лойиҳасини ишлаб чиқиш;

–лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чикиш кобилиятига эга бўлиши;

– амалиётда ахборот технологияларининг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда қўллаш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

**Ишлаб чиқариш фаолиятида:**

– намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;

– илмий ва амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;

– касбий этика кодексига риоя қилиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

– ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш;

– ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган босқичлар ва ресурсларни режалаштириш;

– ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талаблари бўйича ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

– касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга тадбиқ этиш;

– ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;

– ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

– фикрлар хар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;

– бирламчи ишлаб чиқариш звено ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;

– бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;

– ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- таълимнинг техник воситалари, интерфаол ўқитиш тизимлари, дидактик жараёнлар, инновацион педагогик технологияларни амалиётга татбиқ этиш, педагогик баҳолашни тадқиқ қилишда зарур бўлган ташкилий ишларда иштирок этиш;

- республика ва хорижда чоп этилган педагогик илмий изланишларга оид илмий-техник ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш;

- педагогик илмий-тадқиқот ишларини бажаришда бевосита иштирок этиш;

- мавзу (топшириқ) бўйича илмий-техникавий маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олинган малумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш;

- илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда қатнашиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Фойдаланиш ва сервис хизматини кўрсатиш фаолиятида:**

– инновацион ўқитиш усуллар, педагогик технологиялар лойиҳасини тизимли ёндошув асосида такомиллаштириш;

– бажарилаётган тажрибавий ўкитиш ишлари бўйича илгор ўкитиш усуллари намуналарини ишлаб чикиш ва тадкиқ қилиш;

– либос ва газламалар дизайнини ўкитиш бўйича мавжуд холатнинг аналитик шарҳини ишлаб чикиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак***.

**2.3.Касбий квалификациялар:**

Либос ва газламалар дизайни, уларни яратиш, ишлаб чикаришга тадбиқ этиш соҳасида квалификацияларига ***эга бўлиши лозим.***

## 3. *5111004 – Профессионал таълим: дизайн (либос ва газламалар)* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

| Ўқув даврлари | Кундузги таълим шакли учун * |
|---|---|
| Назарий ва амалий таълим* | 30-70% |
| *Шу жумладан, мустақил таълим* | - |
| Аттестация | 6-8% |
| Таътил | 10-30% |
| Малакавий амалиёт | 15-30% |
| Битирув малакавий иши | 2-3% |

**3.1. *5111004 – Профессионал таълим: дизайн (либос ва газламалар)*** бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

- гуманитар ва табиий илмий фанлар;
- умумкасбий;
- ихтисослик;
- қўшимча.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир канча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

Ўқув режага киритиладиган ихтисосликка оид фанларнинг амалий машғулотлари ва лаборатория ишлари олий таълим муассасаси ҳамда базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

Назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун талабаларнинг малакавий амалиётлари базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

**3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**
**Гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки бўйича:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда талабаларга математик назарий билимларни бериш,

тегишли тушунчалар, тасдиклар, математикага хос бўлган исботлаш усулларини ўргатиш; олган назарий билимларини масалалар ечишга татбик эта билиш, уларда мантикий мушохада килиш, фазовий тасаввур хамда абстракт тафаккур каби инсон фаолиятининг барча сохалари учун зарур бўлган кобилиятни шакллантириш; фанни ўкитишда талабаларга математика назариясига оид билимлар бериш, олган назарий билимларини йўналишга мос сохаларда амалиётга қўллай олиш тасаввурларини шакллантириши;

табиий ва илмий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табиий ходисаларни тадкик этиш концепцияси; табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари; табиатга путур етказмайдиган технологияларни яратиш истикболлари хакидаги илмий тасаввурларни шакллантирилиши;

информатика хамда ахборот тўплаш, замонавий компьютер графикаси дастурларини ишлата билиш, уларни кайта ишлаш ва узатиш усулларининг жамиятдаги ўрни ва ахамияти хакида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

таълим йўналиши учун зарур бўлган фундаментал фанларни чукур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши лозим.

**Умумкасбий фанлар блоки:**

касбий таълим методикаси фани касб-хунар коллежларида мутахассислар тайёрлаш мазмуни; касб таълими йўналишлар бўйича таълим тизимининг узвийлиги ва ўзаро боғликлиги; ўкув моддий базасининг ташкил этилиши (ўкув материаллари ва мосламалар билан таъминланиши); касбий фанларни ўкитиш конуниятлари ва тамойиллари; касбий фанлар учун таълим мазмунини танлаш мезонлари; касбий фанларнинг ташкилий шакллари;

психик тараккиёт конуниятлари, психология тараккиётининг асосий боскичлари, фаннинг тармоклари, шарк мутафаккирларининг психологик карашлари, фаннинг бошқа фанлар билан алокаси, фаннинг тамойиллари ва методлари, вазифалари, шахс хакида тушунча, фаолиятнинг психологик тахлили, мулокот, психик жараёнлар, шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари;

замонавий дунё санъатининг ривожланиш тенденциялари; анъанавий ва замонавий санъат мактаблари; Шарк ва Ғарб анъанавий санъатларининг ўзига хосликлари, хорижий санъатўзига хос жихатларини билиши; XX аср тасвирий санъатида замонавий бадиий жараёнларни ва асарларни тахлил килиш;

касб таълими йўналишлари бўйича таълим тизимининг узвийлиги ва ўзаро боғликлиги; касбий фанларни ўкитиш конуниятлари ва тамойиллари; касбий фанлар учун таълим мазмунини танлаш мезонлари; касбий фанларнинг ташкилий шаклларини тушуниши;

чизматасвир ва рангтасвир турлари, технологияларини тушуниши; чизматасвир ва рангтасвир композициясининг асосий конуниятларини тушуниш ва воситаларини кўллай олишини;

бадиий лойихалаш сохасидаги тарихий тажрибалар; замонавий мода йўналиши тенденциялари; либос дизайн ва газламаларни бадиий лойихалашнинг замонавий восита ва усулларини; ижод килишнинг турли усулларини; содда ва мураккаб намуналар лойихасини яратишни; либосларни лойихалаш сохасидаги терминология, асосий тушунча ва асосий лойихалаш методларини; либос коллекциясининг композициясини; дизайн-лойихага кўйиладиган талабларни; дизайн-лойихага кўйиладиган талабларнинг батафсил спецификациясини тузишни; бадиий лойихалашда кўлланиладиган асосий материаллар, уларнинг хусусиятлари, пластикаси, тектоникасини тушуниш ва уларни кўллаш; ассоциатив фазовий, сиймоли фикрлаш; концептуал фикрлаш ва дизайн йўналишида тадкикот олиб бориш; ўз таклифларини илмий асослаш; либосларни макетлаш ва моделлаштириш; берилган материалда лойихани бажариш; маълум мавзудаги ёки буюртма асосидаги ижодий лойихани бажариш ва уни асослаш;

композиция асослари ва рангшуносликнинг вазифаси, кўлланиш сохаси; композиция тушунчаси, унинг тамойиллари ва методларини; композиция элементларининг муносабатларини; композиция тузишнинг усул ва воситаларини билиш; спектрдаги

ранглар, ранг доираси ва унда рангларнинг жойлашишини; либос композициясида кўлланиладиган тасвирлаш техникаларини; рангшунослик ва композиция асослари назариясини; турли рангларни ҳосил қилишни; рангнинг асосий характеристикаларини; рангларни қўшиш ва ажратиш принципларини; ранг уйғунлигининг асосий турларини ва уларни дизайн-лойиҳада қўллашни; турли тус, интенсивликдаги рангларнинг психологик ассоциациялари, таассуротлари ва ҳиссиётларини; либос дизайнидаги композиция асосларини; рангшунослик ва композициядаги махсус терминологияни қўллаш; турли муносабатларда бўлган ранг бирикмаларидан абстракт композициялар тузиш; турли техникаларда эскизлар чизиш, турли фактураларни эскизда акс эттира олиш, оқ-қора ва рангли графика техникасида топшириқларни бажариш; турли ранг бирикмаларининг хусусиятларидан фойдаланиш; костюм композициясининг фазовий-ҳажмий шаклини тушуниш, таҳлил қилиш ва эскизларда акс эттиришни;

дизайннинг ўзига хос хусусиятлари, асосий тушунчалар ва тавсифлари; дизайн ва бошка соҳаларнинг ўзаро боғлиқлиги; дизайн эволюцияси ва шаклланиш тарихини; дизайн эволюциясидаги омилларнинг асосий гуруҳлари ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини; илм-фан, техника ва дизайн ривожланиши тарихини; турли мамлакатларда дизайн методларининг пайдо бўлиши, ривожланиши, тадбиқ этилишини; дизайннинг назарий моҳияти ва дизайндаги концепцияларни; дизайнда шакл ҳосил қилишга аҳамиятли таъсир этган муҳим сиёсий воқеалар, ихтиро ва кашфиётлар; дизайнер фаолияти хусусиятлари ва дизайнер олдига қўйиладиган вазифаларни; образли фикрлашнинг имкониятларини; саноат буюмларидан дизайн лойиҳалаш воситалари ва унинг методологиясини; дизайн "икона"ларини аниқлашни; дизайнернинг бадиий-лойиҳалаш фаолиятининг мақсад, метод ва усулларини билиши ва улардан фойдалана олишни; олган билимларини ижодий қўллаш ҳамда илмий-методологик асослаш; замонавий халқаро дизайн ташкилотларининг ташкилий тузилиши, фаолият юритишининг шакли, мақсади ва вазифаларини таҳлил этишни;

тикувчилик ашёлари таркиби, олиниш технологияси, хоссаларини билиш ва амалий қўллаш, материалларни конфекциялаш кўникмаларига эга бўлишни; ишлатиладиган замонавий материалларнинг дизайн модели учун физик, кимёвий, технологик хусусиятларининг мувофиқлигини асослай билиш; замонавий материаллар хусусиятларидан яратилаётган дизайн объектлари бадиий эстетик таъсирчанлигини учун фойдаланишни; замонавий материаллар билан ишлашдаги муаммоларни ечишни таъминлаши лозим.

**Ихтисослик фанлар блоки:**

тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва укувларини шакллантиришни;

замонавий тикувчилик технологиялари ва асбоб-ускуналарини, турли ассортиментдаги кийимларнинг тикиш ва ишлов бериш технологияларини;замонавий янги техника, янгича асбоб-ускунулар билан иш олиб бориш, замонавий технологияларни тушуниш, қўллашни билиш ва улардан фойдалана олиш;

костюм ва унинг бичими, шакли, безаклари ва конструкциясининг эстетикаси, генезиси (келиб чиқиши) ва семантикаси (маъноси) ҳақида билиши; тарихий ва миллий либосларни шакллантирувчи принципларни; давр эстетик идеаллари ва ташки киёфаларининг ўзгариши тарихини билишни; либос (костюм) тарихи соҳасида маълумот тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш; тарихий, анъанавий ва замонавий либосларга аннотация ёзиш ва тақдимотлар тайёрлаш;

XX аср давомидаги жаҳон модасининг ривожланиши; турли мамлакатларда рўй берган тарихий ва ижтимоий ҳодиса ва воқеалар; жамиятдаги турли жараёнлар; айрим шахсларнинг хаёти, ижоди ва фаолияти; илм-фан ютуқларининг замонавий костюмнинг ўзгаришига сабаб бўлган таъсирини; замонавий либос модасида қўлланган бадиий воситалар ва бадиий образларни; XX аср давомида шаклланган дизайн-мактабларнинг замонавий либос модасига таъсири, улар пайдо қилган оқим ва тенденцияларни; 20-аср костюмининг бадиий образи, унинг бичими ва қўлланган материалларини таҳлил этишни; XX аср кийим модасидаги услубларни; таниқли модельер-рассомлар ўзига хос ижодини билиши ва улардан фойдалана олиши; XX аср костюмининг шаклланишига таъсир

кўрсатган омилларни таҳлил этиш ва асослаш; манбаларни таҳлил этиб, маълумот тўплаш ҳамда мавзу бўйича тақдимот тайёрлаш кўникмаларини;

кийим конструкциялашнинг асосий муаммолари ва тамойиллари; тикув буюмларини конструкциялашнинг назарий асосларини; антропометрия тизими асосларини; инсон танасининг тузилиши ва ундан ўлчов олиш тизимларини; конструкциялашнинг замонавий методларини; конструкция асосини тузиш учун керак бўладиган дастлабки маълумотларни жамлашни ва улардан тўғри фойдаланишни; мураккаб бичим ҳамда ҳар хил шакл ва ҳажмдаги кийимларнинг конструктив тузилишини таҳлил қилишни; конструкциялашнинг барча босқичларини; турли гавда тузилишлари учун мўлжалланган конструкцияларни тузишни; мураккаб бичим ҳамда ҳар хил шакл ва ҳажмдаги кийим деталларининг конструкцияларини ва шаклларини ҳосил қилиш қоидаларини; кийим пакетини ҳосил қилувчи андазалар мажмуини йиғишни билиши ва улардан фойдалана олиши; либос модели техник эскизининг уч ёклама кўринишини чизиш ва уни таҳлил этиш; турли ассортимент, бичим ва шаклдаги кийим деталларининг конструкциясини тузиш ҳамда уларнинг макетини бажариш; замонавий конструкциялаш усулларини қўллаш кўникмаларини;

fashion иллюстрация ва газламалар дизайнининг замонавий йўналишлари, ривожланиш тенденциялари, оқимлари; асосий мода тенденцияларини; лойиҳавий графика асосларини; либос функциясини ва бадиий образини; костюм яратишдаги услубларни ва услубий ечимларни; эскиз чизиш техникасини танлаш принципларини; тасвирлашнинг турли техник усул ва воситалари ҳамда уларнинг имкониятларини билишни ва улардан фойдалана олишни; либос дизайнини яратиш жараёнида турли ижод қилиш усулларидан фойдаланиш; дизайнга ижодий ёндашиш; турли ижодий манбалардан фойдаланиш; кийим моделлари эскизлари устида ишлаш жараёнида тасвирлашнинг турли техник усулларини қўллаш кўникмаларига эга бўлишни;

мутахассислик бўйича дизайн объектларини компьютерда лойиҳалашнинг замонавий йўналишлари, ривожланиш тенденциялари; лойиҳалаш, конструкциялаш, моделлаштириш бўйича компьютер дастурларида ишлаш тартибини; компьютер дастурларининг ўзаро ўхшашлиги, фарқи ва афзалликларини; лойиҳалаш, конструкциялаш, моделлаштириш бўйича компьютер дастурлари ва технологияларини; лойиҳани ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш учун барча ишчи чизмаларни компьютерда бажаришни билиш ва улардан фойдалана олишни; конструкциялаш ва моделлаштиришни бажаришда касбий фаолият даражасида янги компьютер технологияларидан фойдаланиш; тузилган лойиҳа натижаларини ҳимоя қила олиш кўникмаларини;

кийим фазовий-ҳажмий шаклини ҳосил қилишнинг усуллари (контрукциялаш усули, муляж усули); мураккаб бичимли ва шаклли кийимларнинг тузилиши ҳақида; лойиҳалаштиришнинг турли босқичларида макетнинг роли ҳақида; макет тайёрлаш учун ишлатиладиган асосий материаллар ва уларни танлашни; ҳар хил мато ва материаллардан макет тайёрлаш технологияларини; муляж усули бўйича бажариладиган ишлар кетма-кетлигини; материаллар, кийим шакли, функцияси ва конструкциясининг хусусиятлари орасидаги ўзаро боғлиқликни билишни; оддийдан то мураккабгача бўлган моделлар шаклини таҳлил қилиш; муляж усули бўйича оддийдан то мураккабгача бўлган модел шаклини ҳосил қилиш; модел деталларининг қадалмасини олиш; шакли ҳосил қилинаётган модел учун ишлатиладиган оригинал материал билан макет материалининг хусусиятлари орасидаги фарқни тушуниши ва уларни хисобга олиш; мураккаб бичим ҳамда ҳар хил шакл ва ҳажмдаги кийимлар техник эскизининг уч ёклама кўринишини чиза олиш; fashion эскиз ва техник эскизларни таҳлил қила олиш ва улар орасидаги фарқни тушуниш каби амалий кўникмаларни; елкада ва белда турувчи кийим деталларининг (лиф олд ва орт бўлаклари; ўтказма енг; реглан енг; яхлит бичилган енг; турли бичим ва кцринишдаги ёқалар; юбка олд ва орт бўлаклари; шим олд ва орт бўлаклари) қадалмаларини олиш; мураккаб шакл ва мураккаб бичимли турли ассортиментдаги кийимлар макетини ҳосил қилиш; мураккаб шаклдаги кийим қадалмалари учун ҳосила ва ёрдамчи андазаларни тузиш малакаларини таъминлашни;

таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

Ихтисослик фанларининг дастурларини ишлаб чикишда кадрлар буюртмачиларининг талабларини эътиборга олинади.

**Қўшимча фанлар блоки**

таълим йўналиши талабаларнинг умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эхтиёжини кондириши;

меҳнат бозорида ракобатбардошликни таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши;

таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўкув режалар ва фан дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;

касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуктаи назарнинг баркарорлигини таъминлаши лозим.

**Танлов фанлари:**

*Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.*

**3.2. *5111004 – Профессионал таълим: дизайн (либос ва газламалар)* бакалавриат таълим йўналиши ўкув режасидаги юклама хажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташкари ўкув ишларини ўз ичига олган ўкув юкламасининг энг юкори хажми хафтасига 54 соат килиб белгиланади. Ишлаб чикаришдан ажралган холда (кундузги) ўкиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юкори ҳажми ҳафтасига 36 соатгача килиб белгиланиши мумкин.

Ўкишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани холда ўкув жараёни 204 хафта давом этиши зарур.

Ўкув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

| | |
|---|---|
| назарий таълим - | 59,8 %; |
| аттестация - | 7,8 %; |
| таътил - | 14,7 %; |
| малака амалиёти - | 14,7 %; |
| битирув малакавий иши - | 2,9 %. |

Назарий таълим ҳажми фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

| | |
|---|---|
| Табиий-илмий ва гуманитар фанлар | 17,1 %; |
| умумкасбий фанлар | 55,5 %; |
| ихтисослик фанлар | 22,1 %; |
| қўшимча фанлар | 5,3 %. |

Ўкув йилида таътил даврининг умумий хажми 6 - 10 ҳафта қилиб белгиланади.

Илова

**5111004 – *Профессионал таълим: дизайн (либос ва газламалар)* йўналиши бўйича таълим дастури**

| Т/р | Фаннинг малакавий коди | Ўқув фанлари, блоклар ва фаолият турларининг номлари | Талабанинг ўқув юкламаси, соатларда |
|---|---|---|---|
| **1.00** | **TIGF** | **Гуманитар ва табиий-илмий фанлар** | **960** |
| 1.01. | **O'EYaTM1002** | Ўзбекистоннинг энг янги тарихи | 60 |
| 1.02. | **FalM1002** | Фалсафа | 60 |
| 1.03. | **O'RTM2004** | Ўзбек (рус) тили | 120 |
| 1.04. | **XTM2008** | Хорижий тил | 240 |
| 1.05. | **JTVSM2002** | Жисмоний тарбия ва спорт | 60 |
| 1.06. | | | |
| 1.07. | **SSATE2002** | Санъат сохасида ахборот технологиялар | 60 |
| 1.08. | **KG2004** | Компьютер графикаси | 120 |
| 1.09. | **UmPsixM1002** | Умумий психология | 60 |
| 1.10. | **UmPedM2004** | Касбий педагогика | 120 |
| **2.00** | **UKF** | **Умумкасбий фанлар** | **3120** |
| 2.01. | **TSUTM2004** | Тасвирий санъат умумий тарихи | 120 |
| 2.02. | **ChTM10016** | Чизматасвир | 420 |
| 2.03. | **RTM20022** | Рангтасвир | 660 |
| 2.05. | **Proj M30025** | Дизайн-лойихалаш | 1440 |
| 2.06. | **DMA M 1004** | Дизайн методологияси асослари | 120 |
| 2.07. | | *Танлов фанлари* | 300 |
| 2.07.1. | **MatE1004** | Материалшунослик | 120 |
| 2.07.2. | **LKvR M1006** | Либосда композиция ва ранг | 180 |
| **3.00** | **IF** | **Ихтисослик фанлари** | **1 240** |
| 3.01. | **TBT M2006** | Тикув буюмларини тайёрлаш технологияси | 180 |
| 3.02. | **KK M3008** | Кийимни конструкциялаш | 240 |
| 3.03. | **KT M2004** | Костюм ва унинг бичими тарихи | 120 |
| 3.04. | **ZMT M3004** | Замонавий мода ва услублар тарихи | 120 |
| 3.05. | **FashIll M3008** | Fashion иллюстрация ва газламалар дизайни | 240 |
| 3.06. | **DOKM M 3006** | Дизайн объектини компьютерда моделлаш | 120 |
| 3.07. | | *Танлов фанлари* | 180 |
| **4.00.** | | **Қўшимча фанлар** | **300** |
| | | **Жами** | **5 460** |
| | | Малакавий амалиёт | **720** |
| | | Битирув малакавий иши | |
| | | Аттестация | |
| | | **Жами** | **720** |
| | | **ХАММАСИ** | **6 180** |

**Библиографик маълумотлар**

УДК 002: 651. 1/7 Гурух Т 55

ОКС 01.040.01

---

**Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриатнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалавриат дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, дизайн, мода, дизайн объекти, модель, композиция ва рангшунослик, композицион воситалар, колорит, тасвирий ва амалий санъатдаги жанрлар, ижод қилиш методлари, шакл хосил қилиш усуллари, кийимларни конструкциялаш, технология, технологик кетма-кетлик, тикув машинаси ва жихозлар, дизайн концепциялари, модага оид иллюстрациялар, кутюрье, прет-а-порте, муляж ва макетлаш, либослар комплекти ва коллекцияси, услуб.

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

**Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти**

Ректор ____________ Н.Б.Сайфуллаев

2020 йил «17» 06

**Ўзбекистон Бадиий Академияси**

Бош илмий котиб ____________ Ф.А.Абиджанова

2020 йил «18» 06

М.Ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

**Ўзбекистон Республикаси Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни тадбиқ этиш маркази**

Директор ____________ З.Т. Ҳакимов

2020 йил «14» 08

М.Ў.

**Ишлаб чикувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари хамда кадрлар истеъмолчилари**

**КЕЛИШИЛГАН:**

Республика ихтисослаштирилган рассомлик мактаби

Директор ____________ **У. Б. Хакимов**

202_ йил «__» ______

М.Ў.

Республика ихтисослаштирилган дизайн мактаби

Директор ____________ **Ш.Ш. Муродов**

202_ йил «__» ______

М.Ў.

**_51111004 –Профессионал таълим: дизайн (либос ва газламалар)_ таълим йўналишининг ўқув режаси ва малака талабини ишлаб чиқувчи ишчи гуруҳ таркиби**

| Ишчи гуруҳ аъзолари | Таянч ОТМ | | |
|---|---|---|---|
| | **Лавозими, илмий даражаси ва унвони** | **Ф. И. Ш.** | **Имзо** |
| Раис | Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ректори | Н.Б.Сайфуллаев | |
| Раис ўринбосари | Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор | О.Р. Салихов | |
| Аъзо | Ўқув-услубий бўлими бошлиғи | Қ.Р. Қодиров | |
| Аъзо | Дизайн факультети декани | Н.Б. Алиева | |
| Аъзо | “Чизматасвир” кафедраси мудири | Р. Хўжаниёзов | |
| Аъзо | “Информатика ва менежмент” кафедраси мудири | С.Закирова | |
| Аъзо | “Либос дизайни” кафедраси мудири | Ф.Атаханова | |
| Аъзо | “Либос дизайни” кафедраси доценти | У. Ходжаева | |

**Камолиддин Беҳзод номли Миллий рассомлик ва дизайн институти таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича Малака талабларининг ишлаб чиқарувчилар ва асосий кадрлар истеъмолчилари ўртасида**

## КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

**Тошкент ш.** **«04» 06 2020 й.**

Биз қуйида имзо қўювчилар - Ўзбекистон Бадиий Академияси бош илмий котиби ф.ф.н., доцент А.А.Абиджанова, Ўзбекистон Фанлар Академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти директори, т.ф.н. Ш.Р.Пидаев, Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ректори Т.М.Тохтасимов, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори, ф.н.д., профессор И.Ж.Юлдашев, Тошкент архитектура қурилиш институти ректори, п.ф.н., доцент Р.Р.Ҳакимов, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти ректори в.б. Х.Х.Камилова, Ўзбекистон музейлар Кенгаши раиси Э.Д.Муллажонов, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги Бош директори Ф.Абдухоликов, Ўзбекистон Республикаси халқ усталари, ҳунармандлари ва мусаввирлари "Ҳунарманд" уюшмаси раиси А.Ҳакимов, "San'at" журнали бош муҳаррири, с.д. Д.М.Қодирова, МЧЖ "ZIYNAT DESIGN" реклама – ишлаб чиқариш компанияси директори Ш.М.Эркабоев, Республика ихтисослаштирилган дизайн мактаби директори Ш.Ш.Муродов, Республика ихтисослаштирилган рассомлик мактаби директори У.Б.Хакимов, Камолиддин Беҳзод номли Миллий рассомлик ва дизайн институти ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректори О.Р.Салихов – Камолиддин Беҳзод номли Миллий рассомлик ва дизайн институтида Олий ва ўрта махсус, касб ҳунар таълимини ривожлантириш маркази ва институт профессор-ўқитувчилари билан биргаликда "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"га мувофиқ 6 та таълим йўналишлари ва 2 та магистратура мутахассисликлари бўйича Малака талаблар ишлаб чиқилаётганлиги ҳақидаги ахборотни ўрганиб, уларни муҳокама қилиб, ушбу ишлаб чиқилган Малака талаблари мазмуни билан танишиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

***Таълим йўналишлари:***

1. 5111001 – Профессионал таълим: амалий санъат (амалий санъат асарларини таъмирлаш)
2. 5111003 – Профессионал таълим: дизайн (интерьерни лойиҳалаш)
3. 5111004 – Профессионал таълим: дизайн (либос ва газламалар)
4. 5111006 – Профессионал таълим: рангтасвир (дастгоҳли)
5. 5150800 - Рангтасвир (дастгоҳли)
6. 5150900 – Дизайн (Либос ва газламалар)

***Магистратура мутахассисликлари:***

1. 5A150901- Дизайн (либос ва газламалар)
2. 5A150801- Рангтавир: замонавий миллий рангтасвир

Юкоридаги бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари бўйича малака талабларининг ишлаб чикилишида кадрлар истеъмолчилари томонидан кўйилган талаблар инобатга олинган.

Ушбу талабларни бажариш максадида кўшимча ва ўзгартиришлар киритилган "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори"га мувофик бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўкув режаларини базавий ташкилот ва корхоналарнинг етакчи мутахассислари билан хамкорликда халкаро тажрибалар асосида янгиланган холда ишлаб чикиш учун Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида Ижодий ишчи гурухлар ташкил этилди.

Ижодий ишчи гурухлар томонидан:

